



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (12.290)

Баҳоси эркин нарҳда

Юртимизда сўнги йилларда мамлакатимиз ёшларини ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасида қўллаб-қувватлаш натижаларга эришилмоқда.

Мазкур йўналишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самарасини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бугунги кунда маҳалла – аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланган.

дан маъқулланган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловини 2012 йилда ўтказиш тўғрисида»ги Низом талабларига асосан ташкил этилди. Кутлуғ айём — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги байрами арафасида ўтказилган қоракўлнинг Республика босқичида Қоракўлнинг Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида солиб берилган 42 та маҳалла фуқаролар йиғини ўзаро беллашди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Танловлар

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

ниб улгурди, «мустаҳкам оила» деган оиланинг ижтимоий ҳаётдаги амалий ифодасини қарор топтирди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ўзи бошқариш қадриятларни кенг тарғиб қилиш, уларда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллалар тараққиётининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови ўтказилмоқда. Бу йилги танлов алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан

Танлов шартлари кўра, иштирокчиларнинг иш ҳужжатлари ҳамда фаолиятга оид кўрсаткичлари, эришилган ютуқлари қонунийлик, адолатлилик каби асосий принципларга риоя қилган ҳолда ўрганиб чиқилди ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг маҳалла институтини ривожлантиришга оид тақлифлари, хусусан, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, баркамол авлодни тарбиялашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмининг янада кучайтириш каби йўналишлар буйича тақлиф-мулоҳазаларига эътибор қаратилди.

Мазкур шартлар асосида 42 та маҳалла фуқаролар йиғинидан энг юқори балларни қўлга киритган 14 та фуқаролар йиғини саралаб олинди, учинчи шарт бўйича баҳса киришишди. Иштирокчиларнинг иш фаолиятига оид ва кундалик ҳаётимизда учраб турадиган саволларга берган жавоблари ҳамда фикр-мулоҳазалари, дунёқараши, ҳозир-жавоблиги, тез фикрлаши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Унга кўра, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Кўкдала» қишлоқ фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади. Наманган вилояти Наманган тумани «Бешкапа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Тошкент шаҳри Учтепа тумани «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини шохсупанинг кейинги поғоналаридан жой олди ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг дипломи ва фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Танлов давомида маҳаллалар ҳаёти, иш фаолиятига оид ҳужжатлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди. Шунингдек, танловда фаол иштирок этган намунали фуқаролар йиғинлари «Худудда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ишларини тизимли ҳамда самарали фаолият юритаётган фуқаролар йиғини», «Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фаоллик кўрсатган фуқаролар йиғини» каби 11 та номинация бўйича муносиб рағбатлантирилди. Танлов иштирокчилари ва маҳалла фаоллари жамиятда маҳалла институтининг нуфузини янада ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашдилар. **Отабек ОТАЁРОВ**

Миллий Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу тадбирда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар вакиллари, журналистлар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг фаровон ҳаёти, халқро ҳамжамиятда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини ошириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, фуқаролар тотувлиги ҳамда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Президентимиз Исроил Каримовнинг шу йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Семинар қатнашчиларининг таъкидлашича, мамлакатимиз Асосий Қонуни қабул қилинганнинг 20 йиллиги муносабати билан аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида миллий истиқлол госясини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этиш ҳамда кенг жамоатчиликка тушунтиришга қаратилган.

А.РАШИДБЕКОВ, УзА муҳбири

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ОИЛА ВА БОЛАЛИК — ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

Форум Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, бир қатор хориз мамлакатларининг мутахассислари, педагоглар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л.Каримова-Тиллаева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Бош прокурор ўринбосари А.Шарафиддинов, Халқ таълими вазири Т.Ширинов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ҳодиев, Соғлиқни сақлаш вазири

Пойтахтимизда оила ва болаликни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг маънавий асослари мавзусида халқаро форум бошланди.

А.Алимов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳанитов ва бошқалар болаларга меҳрибонлик қилиш, оналарни эъзозлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан эканини, Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар замирида бундай эзгу аънаналаримиз мустаҳкам бўлиб, истиқлолий йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиб бораётганини таъкидлади. Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини рўйбга чиқариш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласи том маънода умуммиллий ҳаракатга айланган. Халқимизнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш, спортни ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилган. Форумда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Жан-Мишель Дельмот, БМТ

Тараққиёт дастурининг юртимиздаги доимий вакили ўринбосари Яко Силлиерс, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхона раҳбари Кристиа Пиккат, Исроилнинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва муҳтор элчиси Хиллель Ньютан Ўзбекистонда оилалар фаровонлигини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалашга оид миллий модель халқро миқёсда ҳам эътироф этилаётганини таъкидлади. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу борадаги ишлар қўла ми янада кенгайтириш ва самарадорлиги ортди. Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларнинг маиший шароитларини яхшилаш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга йўналтирилган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. **(Давоми 2-бетда)**

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон

Бизнес Форуми» проекти билан биргаликда «Ўзбекистон транспорт ва логистика хизматлари ривожланишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзусида семинар ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Чилонзор тиббиёт коллежида «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати» мавзусидаги тадбир бўлиб ўтди. ✓ **БУГУН** Адлия вазирлиги то-

монидан бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида «Юқори ҳуқуқий маданият — фуқаролик жамиятининг асоси» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

XXI садоқоси
АССР
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар


МАМЛАКАТИМИЗДА

- Қарши шаҳрида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада кучайтиришнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллари органлари фаолиятини кучайтиришга қўллаб-қувватлаш комиссияси ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистонда парламент ривожланишини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.
- Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармасида Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашда солиқ идоралари ходимлари олдида турган вазифаларга бағишланган ўқув машғулотлари ташкил этилди.
- Мақтаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Конституциямиз — бахтимиз таянчи» танловининг Қоракўлнинг Республикаси босқичи якунланди. Танловда шаҳар ва туманлардан сараланган 50 нафарга яқин иқтидорли ёшлар ёзма иш, рассомлик санъати ва видеороликлар тайёрлаш бўйича ўз иқтидорини синовдан ўтказди.
- «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ва бир қатор ташкилотлар томонидан ўтказиб келинаётган «Йил аёли» миллий танлови хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур танловнинг Сирдарё вилояти босқичида турли касб эгалари бўлган 11 нафар аёлнинг ҳаётий ва иш тажрибаси синовдан ўтказилди.

ЖАҲОНДА

- Европа комиссияси, Европа марказий банки ва Халқаро валюта фонди давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш мақсадида Португалияда амалга оширилаётган ислоҳотлар яхши суръатларда кетаяпти деган хулосага келишди ва ушбу мамлакатга 2,5 миллиард евролик навбатдаги молиявий кўмак кўрсатиш лозимлигини маъқуллашди.
- Мамлакат ҳукумати исёнчиларнинг 24 соат ичида тинчлик музокараларини бошлаш тўғрисидаги талабини рад этганидан сўнг, Конго Демократик Республикаси шаҳридаги жанговар ҳаракатлар яна авжга чикди.
- Япониянинг Хиросима университети олимлари ғаройиб электромобил яратишди. iSave You моделининг ўзига хослиги шундаки, унда ташқи хавфсизлик ёстиғи маъжуд ва ёстиқ тўқнашув рўй берганда пиёдаларни ҳимоя қиладди. Яъни, мазкур электромобил билан тўқнашган пиёдаларнинг жиддий жароҳат олиш эҳтимоли деярлик нолга тенг. Электромобилнинг ўзи ҳам ҳеч қандай шикаст олмайди, ичи говак хавфсизлик ёстиғи эса яна ўз ҳолатига қайтади.
- Италия ҳукумати бир неча маслаҳатчининг мамлакатдаги «Ндрангете» номли энг йирик уюшган жиноятчи гуруҳлардан бири билан алоқада эканлигини аниқлаганидан сўнг, Реджо-ди-Калабрия шаҳри маъмуриятини тўла тарқибда истеъфога чиқарди. Янги маъмуриятга сайловлар бир ярим йилдан кейин ўтказилади, унга эса шаҳарни ҳукумат томонидан белгиланган уч нафар коммиссар бошқаради.
- Йоханнесбург аэропортида 25 ёшли ливанлик фуқаро ҳибсага олинди. Унинг овқат ҳазм қилиш тизимида 220 донна ишлов берилган бриллиант борлиги аниқланди. Маълумотларга кўра, тошларнинг қиймати тахминан 2,25 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда. Бриллиантлар ливанлик фуқаро аэропортда кўриқдан ўтказилганда топилган.

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ БАРДАВОМ



Улкан мақсадларни кўзлаган ҳолда тинмай изланаётган тadbиркор ва ҳунармандларимизни бугун юртимизда кўплаб учратиш мумкин.

лика рассомлик коллежида тахсил олдим. Бугунги кунда эса Тошкент Давлат техника университети дизайн йўналиши талабасиман, — дейди Раҳимхўжа Азларов. — Ёғоч ўймакорлиги бизларга ота касб ҳисобланади. Бу соҳа бўйича амакиларим ҳамда отамдан илк билим ва кўникмаларни олганман. Улар кўмагида республика ҳамда халқаро танловларда қатнашиб кўплаб фахрли ўринларни кўлга киритдим.

Ёғоч ўймакорлиги соҳасида ўз услубини яратишга ҳаракат қилаётган ёш ҳунарманд устанинг турли хил бежирим безаклар берилган маҳсулотларида миллий ва замонавий нақшлар уйғунлиги яққол кўзга ташланади.

Албатта, бугунги кунда ёғоч ўймакорлиги соҳасида катта ютуқларга эришаётган Раҳимхўжа Азларов каби ёш ҳунармандларнинг кўпайиши миллий ҳунармандчилигимизнинг раванк топишида катта аҳамият касб этади десак муболага бўлмайди. Зеро, келажакимизнинг ёрқин бўлишида, юртимизнинг раванк топишида ёшларнинг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир.

Камола МАҲМЕДОВА,
ЎзДжТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Мустақил диёримиз жаҳонга юз тутаётган, дунё уни тан олаётган ҳозирги кунда халқаро интеграция ва илмий-техникавий ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини бугун Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари тўплаган тажрибалар мисолида ҳам кўрсатиб бўлади.

Ҳамкорлик

ХАЛҚАРО ИНТЕГРАЦИЯ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Олий ўқув юрти олимларидан бир гуруҳнинг Ҳиндистонга қилган сафари ҳам қутилган натижани берди. Ҳиндистоннинг Марипал университетининг билан тузилган илмий шартномалар эса аввалги битимлар ривожини бўлиб хизмат қилмоқда.

Жанубий Ҳиндистон тўқимачиликни ривожлантириш ассоциацияси билан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномасига кўра, институт профессор-ўқитувчилари ҳар йили икки марта малака оширишга юборилади. Шу аснода йигириш кафедрасининг ўқув лабораториясига Ҳиндистоннинг тўқимачилик компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, олий ўқув юртида халқаро сифат сертификати маркази самарали фаолият кўрсатаётган. Буларнинг ҳаммаси институт олимлари ва илмий жамоатчилиги халқаро интеграция ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик ривожини йўлида таълим тизими олдига қўйилаётган вазифалар ижросига изчил киришиб кетганлигини кўрсатиб турибди.

Маънавият

КИТОБХОНЛАР УЧУН ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ўзбекистон миллий кутубхонасининг тўртинчи қаваотида «Жаҳон», «Бунёдкор», «Илм» каби ўқув заллари жойлашган. Хоржий тилдаги адабиётлар фондига эса 75 тилда чоп этилган 370 000 га яқин нашр мавжуд. Зеро, кутубхона дунёнинг 13 мамлакат 24 та халқаро ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

«Нодир» ўқув залида нодир ва алоҳида қимматга эга 16 мингдан ортиқ камёб асарлар сақланмоқда. Жумладан, XVI-XIX асрларда Мовароуннахр, Туркистон замининда битилган қўлёзма ва тошбома асарлар, XVII-XVIII асрларда Фарбий Европада чоп этилган китоблар кутубхонанинг нодир ёдгорликларидан саналади.

Бундан ташқари зиё масканидаги «Китобхоналар каталоги», «Электрон каталог» ўқув залларида ўзбек ва рус тилларида мамлакатимиз тарихи ва ўзбек миллий адабиётига оид нашрлар ва бошқа манбалар жамланган. «Электрон каталог» зали китобхоналар учун қатор қулайликларини муҳайё этган.

Анвар ВАЛИЕВ

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмуни ташкил қилиш мақсадида «Дўстлар дунёси» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

имкониятини кўлга киритди. Финал босқичини жамоалар ўларининг ҳазил шеърлари билан бошлаб беришди. «Ёшлар ижоди» деб номланган шартда ҳар иккала жамоа жонли ижро ва рақслар билан барча қатнашчиларни ҳушнуд этдилар. Танловнинг «Уйқудан бўшаганда» деб номланган шартда жамоалар талабалар ҳаётида учраб турадиган юморга бой воқеаларни театрлашган сахна кўринишлари орқали ҳавола этдилар. Қиз-

фин ва мурасасиз бахсларда 5-ТТЖ талабалари ғолиб деб топилди. Ушбу финал учрашувида иштирок этган ҳар иккала жамоалар фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Танловнинг навбатдаги беллашувлари жорий йилнинг 26 ноябрь кунин Тошкент Давлат юридик институти ва 30 ноябрь кунин Тошкент молия институти талабалар турар жойлари ўртасида ўтказилди.

«Туркистон-пресс»

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожига катта ҳисса қўшаётган тadbиркорлик ва миллий ҳунармандчилигимиз равангини таъминлаб, бетақрор санъат асарлари билан ҳаммани ҳайратга солаётган уста-ҳунармандларимиз ҳам шулар жумласидандир.

Ана шундай миллий ҳунармандчилигимизнинг ёғоч ўймакорлиги устаси Раҳимхўжа Азларовни шулар сирасига киритиш мумкин. «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг Олмасор тумани босқичида 2-ўринни эгаллаган ёш ҳунарманд бугун ўз истеъдодини намоён этмоқда.

— Ёғоч ўймакорлиги билан болалигимдан бери шуғулланиб келаман. Соҳага қизиқишим туфайли Респуб-

ликанимизнинг ёғоч ўймакорлиги устаси Раҳимхўжа Азларовни шулар сирасига киритиш мумкин. «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг Олмасор тумани босқичида 2-ўринни эгаллаган ёш ҳунарманд бугун ўз истеъдодини намоён этмоқда.

ликанимизнинг ёғоч ўймакорлиги устаси Раҳимхўжа Азларовни шулар сирасига киритиш мумкин. «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг Олмасор тумани босқичида 2-ўринни эгаллаган ёш ҳунарманд бугун ўз истеъдодини намоён этмоқда.

ликанимизнинг ёғоч ўймакорлиги устаси Раҳимхўжа Азларовни шулар сирасига киритиш мумкин. «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг Олмасор тумани босқичида 2-ўринни эгаллаган ёш ҳунарманд бугун ўз истеъдодини намоён этмоқда.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан республикамизнинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасидаги қишлоқ ва туман марказларида яна 12 та янги «Ягона ойна» офислари очилди.

ЯНА 12 ТА ЯНГИ ОФИС

Худудий «Ягона ойна» офисларининг қулайлиги шундан иборатки, ҳар бир абонент бу бўлимларда «Ўзбектелеком» АК томонидан тақдим этилаётган барча хизмат турларидан фойдаланиши мумкин. Бугунги кунда миҳозлар томонидан кенг фойдаланилаётган телефония, маълум йўналишлардаги Интернет, тармоқсиз телефон ва CDMA-450 стандарт белгили мобил Интернет, видеотелефония, рақамли телевидение, IPTV, OOO Uz «Digital TV» хизматлари шулар жумласидан.

«Ўзбектелеком» АК йирик телекоммуникация оператори бўлиб, республикамиздаги барча худудларни қамраб олган. Компания аҳолига юқоридагилардан ташқари, шаҳарлараро ва давлатлараро операторлар ҳамда махсус мобил алоқа провайдерларига

каналлар ижараси, маълумотларни овозли узатиш йўналишлари бўйича, Интернетга уланиш, видеоулоқот, CDMA-450 стандарт белгили стационар алоқа хизматларини кўрсатади. Шунингдек, телевидение ва радиоахборот дастурлари учун каналлар ташкил этишга ёрдам беради.

«Ўзбектелеком» АК 2012 йилдан TELEKOMTV савдо белгиси остида IPTV – интерактив телевидение хизматларини тақдим этмоқда.

«Ягона ойна» лойиҳалари доирасидаги 50 та дастлабки савдо шохбчалари 2011 йилда ташкил этилган эди. 2012 йил давомида жами 80 та шундай офислар очилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз бўйлаб 40 та «Ягона ойна» офислари очилиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур кўрик-танлов дастлаб Тошкент Давлат техника университети-нинг талабалар турар жойлари ўртасида ўтказилди. Мусобақанинг «Дўстлашамиз», «Ёшлар ижоди», «Спорт» ва «Уйқудан бўшаганда» номли қисмлари қизиқарли баҳс ва тортишувларга бой бўлди. Tadbирнинг спорт йўналишидаги шартинг спорт мажмуасида ўтказилди ва унда жамоалар спортнинг футбол тури бўйича беллашдилар. Яқунинг натижаларга кўра, ҳакамлар ҳайъати томонидан 72-«Б» ТТЖнинг «Геолог» жамоаси Тошкент Давлат техника университети талабалар турар жойлари аҳоли ижро ва рақслар билан барча қатнашчиларни ҳушнуд этдилар. Танловнинг «Уйқудан бўшаганда» деб номланган шартда жамоалар талабалар ҳаётида учраб турадиган юморга бой воқеаларни театрлашган сахна кўринишлари орқали ҳавола этдилар. Қиз-

Жамдан беллашувлар Ўзбекистон Миллий университети талабалар турар жойлари ўртасида ўтказилди ва энг юқори балл тўплаган икки жамоа, яъни 5-ТТЖ ва 12-ТТЖ жамоалари финал босқичида иштирок этиш

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖда 2012 йил 20 октябрдан 20 ноябргача бўлган вақт давомида кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога кўйилган	Автомобилнинг номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
22.10.2012	Қўйиқичик тумани СИБ	2004 й. ич. "Нексия", д/р. 11 U 4567	13 371 843	14 450 000
23.10.2012	Паркент тумани СИБ	2000 й. ич. "Ваз-2107", д/р. 11 N 5445	3 152 620	3 500 000
29.10.2012	Миробод тумани СИБ	2010 й. ич. "Матиз", д/р. 01 043 XAA	15 000 000	16 050 000
01.11.2012	Олмалик шаҳар СИБ	1982 й. ич. "Ваз-2103", д/р. 11 M 5206	2 791 080	3 100 000
	Янгиёул тумани СИБ	2002 й. ич. "Нексия", д/р. 10 189 RAA	18 351 000	19 600 000
	Бекobod тумани СИБ	1988 й. ич. "Ваз-2106", д/р. 01 H 051 DA	3 129 579	3 500 000
		1975 й. ич. "1-28" трактор ва 2 дана тележалари билан, д/р. EP 66-48	3 350 000	4 000 000
	Бекobod шаҳар СИБ	1996 й. ич. "Нексия", д/р. 30 C 4329	11 992 120	13 200 000
	Янгиёул тумани СИБ	1990 й. ич. "Газ-53", д/р. 11 M 4627	3 047 648	3 350 000
	Зангиота тумани СИБ	2007 й. ич. "Матиз", д/р. 30 U 9295	12 910 000	13 900 000
	Учтепа тумани СИБ	2008 й. ич. "Toyota Corolla", д/р. 01 D 861 AA	30 400 000	42 000 000
	Бекobod шаҳар СИБ	1986 й. ич. "Ваз-2108", д/р. 11 W 991 CA	3 576 599	3 900 000
	Зангиота тумани СИБ	1985 й. ич. "Москвич АЗЛК", д/р. 11 E 96 75	712 857	795 000
	Миробод тумани СИБ	2004 й. ич. "Нексия", д/р. 01 M 015 SA	21 458 547	23 000 000
		2008 й. ич. "Юндай Аванте", д/р. 01 U 757 AA	40 986 000	43 250 000
		2006 й. ич. "Ласетти", д/р. 30 T 7272	30 537 000	32 550 000
		2009 й. ич. "Матиз", д/р. 10 096 GAA	13 697 000	15 100 000
	Янгиёул тумани СИБ	2009 й. ич. "Нексия", д/р. 01 X 203 CA	18 509 630	20 400 000
	Бўк тумани СИБ	"АА-ГАЗ СА3 3507", д/р. 11 O 2812	4 752 258	5 100 000
	Бекobod тумани СИБ	1979 й. ич. "Ваз-2101", д/р. 11 S 7323	1 274 574	1 525 000
		1990 й. ич. "Газ-2417", д/р. 10 R 5668	1 249 301	1 525 000
		1976 й. ич. "M13-80", д/р. EE 04-69	2 550 000	2 925 000
		1993 й. ич. "Тюкмак", д/р. с/р. с/р	500 000	560 000
	Бекobod тумани СИБ	1980 й. ич. "Ваз-2106", д/р. 10 O 936 CA	1 388 851	1 625 000
	Бекobod шаҳар СИБ	1982 й. ич. "Газ-452", д/р. 11 V 9639	309 938	440 000
	Бекobod шаҳар СИБ	1977 й. ич. "Газ-24", д/р. 11 U 7834	217 379	310 000
	Олмалик шаҳар СИБ	1983 й. ич. "Ваз-21061", д/р. 01 A 046 LA	3 025 485	3 400 000
	Бўк тумани СИБ	"Ваз-2103", д/р. 10 Z 393	2 698 501	2 925 000
	Миробод тумани СИБ	2000 й. ич. "Тиво", д/р. 01 N 486 DA	6 277 751	6 750 000
	Миробод тумани СИБ	2007 й. ич. "Нексия-Донс", д/р. 10 R 212 AA	18 741 899	20 000 000
	Бекobod шаҳар СИБ	1986 й. ич. "Газ-96201", д/р. 12 D 3994	1 272 941	1 450 000
	Юқоридиқ тумани СИБ	2000 й. ич. "Нексия Сомс", д/р. 11 AK 579	14 044 500	14 950 000
	Миробод тумани СИБ	2009 й. ич. "Ласетти", д/р. 01 B 797 DA	32 000 000	33 950 000

Кўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 октябрдан 20 ноябргача бўлган вақт давомида кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога кўйилган	Кўчмас мулк номи ва манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
06.11.2012	Учтепа тумани СИБ	Учтепа тумани СИБ томонидан 24.10.2011 й. № 1-10568/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Миралилов 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон	61 400 000	66 600 000
13.11.2012	Мирзо Улугбек тумани СИБ	Чилнозор тумани СИБ томонидан 05.04.2011 й. № 1-682/2011-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Чилнозор тумани, 1-маъза, 5-уй, 11-хонадон	9 100 000	10 300 000
20.11.2012	Зангиота тумани СИБ	Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 21.09.2012 й. № 31833/17-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Қорн Навий кўчаси, 5-уй, 32-хонадон	160 361 000	170 000 000
	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 3458-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Уртағул к.ф.й., Ёшлик кўчасида жойлашган кўчмас мулк	100 081 000	109 100 000

Кўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Семинар

ҒУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир шахнинг ваколатли органларга мурожаат этиш ҳуқуқини кафолатлангани, «Ғуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги қонунда мурожаатларни белгиланган муддатда қўриб чиқиш тартиби қатъий белгилаб кўйилгани инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Бош прокуратура билан ҳамкорликда ғуқаролар мурожаатини қўриб чиқиш масалаларига бағишланган амалий семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон адлия вазирининг ўринбосари Қ.Тоғаев, Бош прокуратура Ғуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи И.Жасимов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Адлия вазирлиги тизимида ғуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, уларда кўтарилган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида қабул қилинган беш мингдан ортиқ мурожаатларнинг аксарияти қаноатлантирилган. Айрим мурожаатлар тегишли идораларга юборилган. Бундан ташқари, идора ва ташкилотларда ғуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш ҳолати адлия ходимлари томонидан таҳлил қилиб борилаётган. Камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари қўрилади.

Прокуратура органларида ҳам бу йўналишда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳага оид қонунлар ижроси бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 35 дан ортиқ вазирлик, агентлик ва бошқа йирик идораларда текшириш ўтказилган. Уларда ғуқаролар мурожаатини ўз вақтида қўриб чиқишда камчиликларга йўл қўйилаётгани, бунга мансабдор шахсларнинг қонунчиликни чуқур билмаслиги сабаб бўлаётгани аниқланган.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган семинарда иштирокчилар қонун ижроси юзасидан амалга оширилган назорат-таҳлил натижалари билан бир қаторда мурожаатларни қўриб чиқишга оид қонунчилик талаблари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви идораларида ғуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳуусида фикр алмашди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичида босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдим этилган!

Аукцион савдосига «O'ZAVTOSANOAT-LEASING» МЧЖ ЛКнинг 19.11.2012 йилдаги 40-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар, Нўқус кўчаси, 8-уй манзилида сақланаётган, «SUZU SAZ NP-21» русумли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/664ЕСА бўлган автобус қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 42 415 464 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 24 декабрь кунин соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 21 октябрь кунин соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 24 декабрдаги аукцион савдосида сотилган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 31 декабрь кунин соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилмаиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 31 декабрдаги такрорий савдолар учун 28 декабрь кунин соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кунин ичиде сотуви билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалида қўйишга ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор

Ўзбекистон Бадний академияси Марказий кўргазмалар залида «Sen Yo'g'iz Emassan» Республика болалар жамғармаси томонидан кўргазма ташкил этилди.

ВАТАН ВА ОИЛА – БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Унда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари томонидан ишланган расмлар намойиш этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болаларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва эътибор улар истеъдодини аниқлаш, беғубор орзуларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

«Sen Yo'g'iz Emassan» Республика жамғармаси томонидан йўлга қўйилган тўғрақларда ўғил-қизлар ўзлари қизиққан соҳалар бўйича билим ва кўникмаларини оширомоқда.

«Sen Yo'g'iz Emassan» деб номланган мазкур кўргазмада болаларнинг она Ватанимиз табиати манзаралари, файзли шаҳар ва қишлоқлар, оила ҳақидаги тасаввурлари акс эттирилган юздан ортиқ расмлари, ўттиздан ортиқ амалий санъат намуналари намойиш этилмоқда.

– Ватан, табиат, оила инсон учун энг азиз ва муқаддас тушунчалардир, – дейди Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиси Хушрўй Отажонов. – Мен бахтиёр она сиймоси акс эттирилган Мустиқлик ва эзгулик монументининг расмини чиздим.

(ЎзА)



Тошкент Тиббиёт академиясининг умумий амалиёт шифокори факультетида ўқув йили самарали ўтмоқда. Мазкур факультет шуниси билан эътиборлики, тиббий фундаментал билимни пухта эгаллаган талаба кейинчалик тор мутахассисликка шу ердан қадам қўяди.

УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Академия ташкил этилгач, умумий амалиёт шифокори тайёрлаш бўйича янги меъёрий ҳужжатлар тайёрланди. Давлат таълим андозалари, ўқув-режа ва дастурларини мукамаллаштиришда бакалаврият ва магистратура босқичлари ҳисобга олинди. Режага мувофиқ умумий амалиёт шифокори шаҳар, туман ёки қишлоқ врачлик амбулаториясида, поликлиникаларда фаолият кўрсатади.

Дастлаб 5 йил мобайнида уларга базавий билимлар берилиши кўзда тутилса, кейинги 2 йил ичида бўлгуси шифокор беморга ташхис қўйиш бўйича синдромал ёндошув жараёнига олиб кирилади. Бунда уларга 4 та тоифа асосидаги ёндошув билан таълим берилди. Бунинг учун етарли шариоитлар муҳайё қилинди. Ахборот ресурслари бўлими орқали ҳам талаба пухта билим олиш имкониятига эга.

Ақбар АЛИЕВ

ЧОРРАҲАЛАРГА ВИДЕОФИКСАТОРЛАР ҲАҚИДА

2013 йилнинг январидан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча чорраҳаларда йўл ҳаракати қоидасининг бузилишини қайд этувчи видеофиксаторлар ўрнатилади. 2013 йилнинг иккинчи ярмидан эса бутун республика бўйлаб барча вилоятларнинг марказий кўчаларида видеокамералар ўрнатиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХББнинг тарғибот бўлими вакилининг таъкидлашича, йўлларда бундай техникаларни ўрнатиш учун давлатимиз томонидан катта маблағ ажратилган. Бу тадбирлар натижасида эндиликда йўлларда ЙХБ инспекторлари ўрнини видеокамералар эгаллайди. Бироқ шаҳарларнинг энг гавжум кўчалари бошида патруль машиналари назоратда туради.

Тизим жуда оддий ва тартиб билан ишлайди. Яъни, ҳайдовчи қондани бузганлиги ҳақидаги хабарнома бўлимга электрон почта орқали келади ва қондабузар жарамага тортилади. Жарима ўз вақтида тўланмаган тақдирда унга муайян фоиз қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ матбуот хизмати маълумотларига кўра, қондабузарларни моддий жавобгарликка тортиш йўли билан жазолангач энг таъсири сиқуллардан биридир.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури» доирасида «Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракат режасининг амалга оширилиши» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Ушбу Дастурни амалга оширишга масъул вазирликлар, идора раҳбарлари, жамбрат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирокида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси Наримон Умаров очди ва олиб борди.

Ўзбекистон 1995 йилда аъзо бўлган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Халқаро Конвенция талаблари асосида ишлаб чиқилган ушбу Миллий Стратегиянинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури»да ва бошқа мақсадли Дастурларда режалаштирилган биохилма-хилликни сақлаш соҳасида минтақавий ва маҳаллий ҳаракат режаларини тузиш ва уларни амалга ошириш ҳамда ушбу соҳада Юртбошимиз тавсиялари ҳамда Халқаро Конвенциялар ва минтақавий битимлар шартларини бажаришга қаратилган ҳолда халқаро алоқалар ва ёрдамларни мувофиқлаштириш мақсадли кўрсаткичлари орқали мамлакат биохилма-хиллик ресурсларини бошқаришнинг ягона бош йўналиши ва ривожлантириш тузилмасини шакллантиришни таъминлашдан иборат.

Ушбу Дастур доирасида Зоология институти ўтказган изланишлар, кўмита бююртмаси асосида, Ўзбекистон

Фанлар академиясининг илмий-текширув институтлари амалга оширган илмий тадқиқотлар натижасида «Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар тизимини яратиш Дастури», шунингдек, кўмита томонидан ушбу соҳага оид бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШГА ЭЪТИБОР

Зоология ва Биоэкология институтлари бажарган «Экологик мониторинг элементи сифатида Ўзбекистоннинг аҳамиятли балиқ ҳўжалиги сув ҳавзаларини паспортлаштириш» лойиҳалари асосида Бўхоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон ҳудудларида мавжуд табиий сув ҳавзаларининг мажмуавий экологик ҳолати, гидрокимёвий таркиби баҳоланди, натижада Республика сув ҳавзаларининг гидрологик ва гидрокимёвий режими, ихтиофауна ресурслари ва уларнинг озука базаси ҳолати бўйича янги маълумотлар киритилган 32 та муҳим аҳамиятли балиқчилик сув ҳавзаларининг паспортлари ишлаб чиқилди. Паспортлар кўмита кенгашида маълумланиб, амалиётга жорий этишга тавсия этилди ва Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Вазирлар Кенгаши, алоқадор вилоятлар ҳокимликларига ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаларига тақдим этилди.

Юртимиздаги муҳофаза этилаётган табиий ҳудудларни сақлашда кенг жамоатчиликнинг эътиборини, фуқароларни атроф-муҳит муҳофазасига жалб этиш, уларнинг она табиатга бўлган лоқайдлик муносабатини ўзгартириш, айнқиса, ёш авлоднинг экологик маданияти ва маънавиятини юксалтириш мақсадида, кейинги йилларда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, «Чинор» экологик ноширлик компанияси ва «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди томонидан, хорж давлатлар вакиллари иштирокида ОАВ вакиллари учун 10 дан ортиқ экомедиатурлар ташкил этилди. Уларнинг натижалари асосида ижодкорлар экожурналистика бўйича «Қоплон-2011» танловига муносиб тақдирландилар, «Қоплон-2012» экожурналистика танлови эса шу кунларда якунланмоқда.

Музокараларда фаол иштирок этган Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси бўлим бошлиғи Хония Асилбекова, «Давлатбионаэорати» бошлиғи Александр Григорьянц ва масъул ходими Муроджон Орифжонов, Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами фондони институти («Тошкент Ботаника боғи») директори Бобоқул Тўхтаев, «Ўзбекистон қўриқхоналари мисолида муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар миллий тизими барқарорлигини таъминлаш» лойиҳаси раҳбари Акмал Исмаилов, «ЭкоМувозанат» газетаси бош муҳаррири Насиба Ғофурова, «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи Миркарим Мирсоуров ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари анжуманда «Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракат режасининг амалга оширилиши» борасида режалаштирилган фаолият бўйича билдирилган тавсияларнинг асосини ташкил этди.

(Ўз муҳбиримиз)

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Декабрда Сингапур мамлакатида чим устида хоккей бўйича Осиё конфедерацияси Кубоги мусобақаси ташкил этилади.

Ушбу нуфузли турнирда муваффақият қозонишни кўзлаган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўқув-машғулот йигинларига зўр беришмоқда.

РАСУЛОВ — ФИФА СЕМИНАРИГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмачси — ФИФА ташаббуси билан қанот ҳакамлари учун семинар ташкил этилди.

Қувонарли томони шундаки, ўтган йилги Осиёнинг энг яхши қанот ҳақаи Абдуҳамидуллоҳ Расулов ушбу семинарда иштирок этди. 2014

йилда Бразилияда уюштирилган жаҳон чемпионатида номзод қанот ҳакамлари рўйхатида киритилган Абдуҳамидуллоҳ Расулов ушбу се-

минарда тест синовларини топширди, тиббий, жисмоний тайёргарликдан ўтди.

Ақбар Йўлдошев

Таиландда футбол бўйича жаҳон чемпионати уюштирилганлигидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

ҲАМЮРТИМИЗ ТАИЛАНДДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Курраи заминнинг энг кучли футбол терма жамоалари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз ФИФА рефереси Шухрат Пўлатов ҳам ҳақам сифатида ўйинларни бошқарди. Ҳамюртимиз Парагвай-Португалия, Португалия-Ливия, Россия-Соломон ороллари ҳамда Испания-Панама терма жамоалари учрашуварлида ҳақамлик қилди.

БИЛЛУР СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг такрорий учрашуварли 25 ноябрда ўтказиладиган бўлди.

Мухлисларга маълумки, Биллур соврин учун тўртта жамоа — «Бунёдкор», «Пахтакор», «Насаф» ҳамда «Бўхоро» ўзаро кураш олиб бормоқда. Айнан 26 ноябрда Бўхорода «Бўхоро» — «Насаф» жамоалари ўзаро муносабатларига ойдинлик киритиб олишса, «Пахтакор» марказий стадионига ташриф буюрган мухлислар мамлакатимизнинг икки етакчи жамоалари «Пахтакор» ҳамда «Бунёдкор» ўртасидаги мурасисиз беллашувга гувоҳ бўлишади.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бахтсизликни яшириш мумкин, лекин бахтлилиги кишининг юзу кўзидан шундоққина билиниб туради.

Одамни меҳнат эмас, маломат ўлдирди.

Ўзига ишонган қатъият билан гапирди.

Дарди йўққа фарқи йўқ.

Ҳаракатдан тўхтамаган бир нарсага эришмай қўймайди.

Бировнинг бахтсизлиги устига ўз бахтини куриш қабохатдир.

Дилдаги гап беихтиёр тилга чиқиб кетади.

Ҳаммага яхши бўлишга уриниш ҳам мунофиқликка киради.

Албатта, муҳаббат — кўнгил иши, лекин унда ақлнинг иштироки ҳам бўлиши керак.

Ҳаёт шу ўзи: сен бошқаларни гап қиласан, бошқалар сени гап қилади.

Дарахтни эмас, мевани мақтайдилар.

Баъзилар мунофиқлик қилаётганини билмай ҳам мунофиқлик қилаверади.

Киши қанча ақлсиз бўлса, шунча сабрсиз бўлади.

Бошқаларни алдаган ўзи ҳам алданмай қолмайди.

Инсонни бошқалар эмас, кўпинча ўзи хор қилади.

Бахт бизнинг унга қандай қарашимизга боглик.

Баъзилар бўлиб турган ишни йўққа чиқаради.

Ўзидан ортмагандан умидвор бўлма.

Ор қилгани зор қилади.

Ўзига ишонмаган ҳеч нимага эришмайди.

Тарих аравасидан ҳамма ҳам жой ололмайди.

Ақлли киши миясини керакисиз маълумотлар оиборига айлантормайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 22 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳити шаҳар ҳаво муҳити зарарли моддаларининг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 22 ноябрь кунги ҳаво ўзгаришлари туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илқ бўлади.

Тошкент ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4864 нусхадда босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.50